Асфальти кўчган йўлақда мунгайиб бораётган Салима опа чукур хўрсинди. Кўз олдида жавдираб: "Бу сафар "Айфон" олиб бермасангиз, кўзими очиришмайди, ойи", деб турган Нафисанинг мунглиг қиёфаси жонланди-ю Салима опа бошини елкалари орасига тортиб, кунишибигина йўлида давом этди. "Айфон" дегани арzonрок бир матоҳ бўлсаям майли эди, пулим ҳам камроқ эди. Бу ёқда отасининг мазаси йўқ. Энди нима қиласман?"

Нафисани кўнглига қараши. Ўзига маъқул йигитта узатиши-ю дардлари ичларида келди.

Совчиликка келган куни кудаси, – кўёвнинг онаси атрофни обдон кўздан ёкирди. "Шу хотиннинг феъли менга ёкмади, қизингни раънига карагамизи, ишиклиб, охири бахайр бўлсин-да, сал молпарастроқми", деди Нусрат ака. "Кўйинг, энди сиз ҳам килдан кийик ахтармсан, биттагина қизимиз ўйна-кулиб, бахти-саодатли бўлиб юрса бас", деб унинг оғзига урди Салима опа.

Тўйга тараддуд бошланди. Куда хотиннинг талаблари кундан-кунга ошиб боравери. Бора-бора у гап бошлаганида Салима опанинг ич-ичидан титротурдиган бўлиб қолди.

– Орзу-ҳавас билан тўй қиляпман, куда, ишиклиб, овсилариминг олдида мени уялтириб кўйманлар. Мебелнинг энг қимматини олинглар...

– Хўп, сиз нима дессангиз шу.

– Гиламни яхшисини олдингларми? Орзу-ҳавас билан тўй қиляпман-а!..

– Ҳа, энг яхшисини олдики.

– Қандиллари оддий шиши бўлмасин, тагин. Чирок ёнгандага билтурдек топланмаса, қайтариб юбораман-а, кудажон. Озиб-ёзиб, орзу-ҳавас билан тўй қилаётганимда, дўст-душманинг олдида юзим қизармасин, дейман-да...

– Қимматбахо кир ювадиган машинаси, музлаткичи бўлмасин, ҳозиргилар келиннинг сепи нуқсонли экан, деб куладиган бўлиб қолишган, буни айтмасам ҳам билсанглар керак...

– Хўп, хўп. Хўп...

Нафиса мунгайди. Салима опа жавдирайди. Нусрат ака бошини қашлайди...

Бир-иккита таниш-билишлар: "Куда хотин гапираверади, курбингиз ётганича, ҳолингизга қараб сеп қилиб бераверинглар, қолганини Худойим ёшларнинг пешонасига берсинг", дейишди. Бу гап Нусрат акага мадор бўлди. Мебел дўконини айланни, энг яхшисини олди-да, машинага юклаб куданикага жўнатиши.

"Алмаштиришсан, биорв билмай туриб, тезда алмаштиришсан! Бунақа мебель билан келадиган келиннинг қадри неча пул бўларди", дебди куда хотин. Нусрат ака билан Салима опа бир муддат нима қиласини билмай қолиши.

– Фотиҳани бузамиз, дадаси, бунақада кийналиб қоласиз. Аслида, бу хотин молпарастга ўҳшояпти, деганингизда гапингизга қулоқ солмай нотугри қилган мен аҳмоқман, – деди Салима опа.

– Бошланган ишни тўхтатолмайсан, энди. "Қизига яхшироқ мебель ополмай тўйин тўхтатишибди", деган гап тарқалса ёмон. Энди бу ишни охирiga етказамиш, – деди Нусрат ака. – Отни сотамиш.

Салима опа эрига "ялт" этиб қаради. Ахир бу отни у жуда яхши кўрариди. "Майли, бошқасини олармиз, от фарзандимиздан азиз эмас-ку", деди Нусрат ака. Отдан кейин сигирни, кейин машинани ҳам сотиши. Уйдаги йиккан-тергандарини кўшиб, етмаганига



– Икки қайнинглимга, ойи-жоннинг ўзига, дадажонга, учта холамга, Назирбек акамга, қайнингилларимнинг болаларига, кўёвларига бош-оёқ сарпо қиласмиш. Ҳаммаси хорижники бўлсин, деяптилар. Ҷақалоқ учун мебелни ўзлари танлаб берарканлар, ўшани олармисиз... Битта той кўшиб бормасангиз...

– Туғилмаган болаларига, кўёвларига бош-оёқ лага тўн бичманг, дейишарди машойихлар. Ҳозиргилар эса ҷақалоқнинг баҳонасида ўзлари ҳам кийим-кечак ўйлашади-я. Майли, бир бўлмасмиш...

– Амаллармиз. Қизинг тинч ўтиrsa бўлди.

Дадаси индамаган бўлсаям, бу гапларни эштиб, Элёрнинг фифони фаллака кўтарилид. "Уша эрка кўёвнингизга айтиб кўйинг, биз пулни кўчадан супириб олаётганимиз йўқ. Бирор нарса керак бўлса, озгина меҳнатга эгилсан", деди жаҳл билан. Она ўғлини тинчлантиришга ҳарчанд уринмасин, сира удалай олмади. Охир-оқибат келинидан ёрдан сўради: "Сиз хотинизис, яхши гапириб, тушунтиринг, ахир бирорнинг эшигига қиз боланинги тили қисилиб юргани ёмон-да..." Кепини Элёрга нима деганини билмайди-ю шундан сунг ўғли бақириб-чақирибдиган бўлди.

Нафисанинг ҳомиладорлиги кийин кечди. Еттини ойдан ўттач, Назирбек уни олиб келиб, "ўйда қўйналиб кетапти, шу ерда юра турсин", деб ташлаб кетди. Шу кетганича Нафисанинг кўзи ёриб, түргуқонадан олиб қишишгандан кейин қайтиб келди. Унгача телефондан хабар олар, соатлаб гаплашар, аммо бирров кўриб кетишига кирмасди. "Бу писмиқ кўёвингиз харажатдан қочиб шундай қилди, эркак дегани шундай пайтда хотинига суюнчики бўлмаса, қачон суюнчики бўлади", деб тутақиб гапирига Элёрнинг жаги толди.

Ҷақалоқ йигирма кунлик бўлганидан кейингина ҳуда хотин эшикдан кириб келди. "Ўзимнинг ташвишларим билан бўлиб, сира Нафисадан хабар олопмай қолдим", деб ёлғондан кўз ўтиди. "Бу суюнчики бўважониси", деб Салима опанинг бошига кичкина бир шарф-рўмол ташлади. Неварасини кўлига олиб, юз-қўзларига ҳам қарамай Нафисага қайтариб бераркан: "Бешик тўйга ҳозирлик кўриб кўйгандирсизлар, шу ҳафта бешикни ясатиб, она-болани олиб борасизлар", деди-ю уйига жўнади.

Начора, чиқсан қиз, чигириқдан нари, дейдилар. Нафисани ҳам уйига эзлиб кўшиш карак. Кудаси айтиб куни ҳамма тақир-тукур, қақир-курларни билан йўлга тушиши. "Бешик тўй" деб аюҳаннос солган қуда хотин, қариндо-уругларини йигиб, Салима опа олиб борган тогораларга кўз тикиб ўтирган экан. Шу ноз-неъматлар билан меҳмонларини кузатди.

– Ушандан сунг Нусрат ака ётиб қолди. Жигарига дарди бор экан. "Бу касал олдиндан бирор белги бермайди. Жигарига ишдан чиқариби, бирдан тўшакка михлайди", дейишди шифокорлар. Гам-ташвиш жигарининг кушандаси, деган нақлни Салима опа

ёшлик пайтида эшитган эди. Эри ҳамма ташвишларни ичига юта-юта шу дардни орттириб олганини илғаб турган бўлсада, бу гапни озов чиқариб айта олмади. Болаларини яди.

Дард ўтиб кетган экан. Нусрат ака дард билан олишиб ётганида қудаси кўнгириб қилди. "Хол-аҳвол сўраган телефон килаётгандир-да", деган ўйда Салима опанинг ичи ёришид. Аммо қуда хотин томдан тараşa тушгандек: "Касалман деб ётиб олсан, кўйинг туғилган кунида совгадан умид қилмайди", деб ўйлабсиз-да", деса бўлладими. Нусрат аканинг ранги доқадек оқариб кетди.

– Қачон туғилган куни? – деди телефонни кўйгач.

– 31 декабрда-да.

– Истаган нарсасини олиб бер. Отасининг касал бўлиб ётиши, қизимнинг рўзгорини нотинч қилмасин! Бу кундан шу баҳонада жаврайвериб, Нафисанинг кўзини очирмайди!

Она ўйда бор пулни чанглаб телефон сотиладиган дўконлардан бирига кирди. Куёви айтиган "Айфон" деганининг нархига кўзи тушиб, боши айланни кетаёди. "Энди нима қиласман, шу матоҳни олиб беролмасам, қизимнинг ўйида тинчи бузиладими?" деган ўйда она-нинг юраги каттиқ сикилди. Шу маҳал бошининг орқа тарафи қотиб қолгандек зиркираб кетди, икки чаккасига лўк-лўк оғриқ кирди. Кўз олди қоронгилашди. Ендан ўтиб кетаётган йигитта суюни қолди. Йигит кўшини маҳаллалик Фарҳод экан. Шу ердан дўён оқибди. Салима опани ичкарига олиб кириб, иссиқ чой берди. Бироз гаплашиб ўтиришиди.

– "Айфон" деган бир матоҳ бор экан, туғилган кунига шуни олиб беришим керакмиш. "Қайнонамнинг соваси табаррук", дейди. Мундоқ айланни кўрсам, у кўрмагуруга пулни етмас экан, болам. Энди Элёрга нима айтам. Етмаганига кўшиб олиб кетади-да. У ёғини сўрасангиз, болам бугун 30 декабр. Ултурамаркинмиз-а?

– Қанча пулнинг бор?

Фарҳод Салима опанинг пулуни санаб олди-да:

– Қолганини Элёр акам истаган пайтиашлаб кетар, майли, шуни олиб кета қолинг, – деб Нафиса айтиган "Айфон"ни унинг кўлига тутқазди.

Салима опа йиграй-йиграй, Фарҳодни дуо қилиб ўйига жўнади.

Эрталаб турганида ҳам бошидаги оғриқ камаймаган эди. Келини билан жиянини Нафисанинга жўнатди. Улар дарвозадан чиқар-чиқмас үзини каратотга ташлади. Кейин нима бўлганини билмайди. Кўзини очса, шифохонада ётиби. Тепасида келини билан Нафиса мўлтирашиб ўтиришибди.

– Эринг хурсандми? – деди она кизига термилиб.

– Кўлига "Айфон" текканидан бери ундан кўзини узмайди. Хурсандлиги шудир-да, – деди қизи беҳафасала охонгда.

Унинг овозидан бир нохушлини сезандек онанинг юраги увишиб кетди.

– Унинг тинч бўлса бўлгани, мол-дун топилади.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, унинг казо қилгани ҳақида хабар тарқади.

Маърақасида бир чеккада "Айфон"идан кўз узмай ўтирган кўёвга бирор эътибор берди, бирор эътибор хам бермади. Аммо Нафисанинг охуфареди ҳеч кимни бефарқ қолдирмади:

– Унинг тинч бўлсан деб, изиллаб кетган онаммим...

Энди сизни қаердан топаман, меҳрибони-и-и-м-м-м?..

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА.

YIQILGANNI SUYAMOQ, MUHTOJGA YORDAM BERMOQ

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда хайрия масаласи энг кўп муҳокама килинаётган мавзулар қаторига кирди. Кўпинча, фуқароларимиз маълум тоифа ёки касб эгаларининг хайрия жараёнларида етарлича фаол змаслигини танқид остига олган бўлсалар, бир томондан саҳоватли инсонлар нинг ҳомийлик хайриялари талон-тарож қилинаётганини қайд этишмоқда.

Эҳтиёжманд оиласларга ажратилган 153,2 млн сўмлик хайрия пуллари талон-тарож қилинди

Оқкўргон туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Саҳоват ва кўмак» жамғарасининг хайрия маблагларини талон-тарож қилган шахсларга жиноят иши қўзғатилиши жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлган эди.

Гап нафақат муҳтој инсонлар, балки карантин сабаб ишлаб турган корхонаси ёйилган ёки ўз хисобидан меҳнат таътилига чиқсан кўп сонли ахолига, яъни, ишсиз ва даромадсиз қолганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида Олмалиш шахрида ҳам «Саҳоват ва кўмак» жамғараси ташкил этилган эди. Кўнлик маълумотлар кунда сарҳисоб қилиниб, шу кунгача (9 июнь ҳолатига) 440 млн.га яқин маблаглар келиб тушганлиги маълум қилинди. Шундан 176 млн.дан зиёд маблаглар коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтој, кўп фарзандли оиласларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган, вактичча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга пул, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун сарфланмоқда.

Маблаглар қай тартибида

назорат қилинади?

Шахримизда «Қизил ярим ой» жамияти, Ногиронлар жамияти, Карсоквлар жамияти, Кўрлар жамияти, «Мехр-шафқат ва саломатлик», «Маҳалла» хайрия жамоат фондлари кўп йиллардан бўён фаолият юритиб келади. Бугун бу ташкилотлар хусусида ҳамشاҳарларимиз қай даражада билади?

Мулоҳазамиз ҳам бугун хайрия маблаглари эвазига, «яшадётган» ташкилотлар фаолияти борасида.

Номи бору, ўзи йўқ

1993 йилда ташкил топган Ногиронлар жамияти Олмалиш шахар бўлинмаси охирги йилларда ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни кўллаб-куватлаш жамоат Фонди томонидан берилган. Давлат грантлари маблаглари ҳамда ҳомийлар томонидан кўрсатилган хайриялар эвазига фаолиятини бир мунча юритиб келган.

— Охирги йиллarda жамиятимиз анча оқсоқланган, — дейди ташкилот раҳбари

asl insoniylik vazifamizdir

тизими орқали амалга оширилаётган маблаглар хайрия маблагларининг оз қисмини ташкил эттаётганини маълум бўлади. Бу эса ўз-ўзидан кўпчиликда ишончизил үйтотди. Шу билан бирга, нима учун маблаглар билан боғлик маълумотлар оммага очиқланмайди, деган савол туғилиши табии.

Ўзбекистон «Қизил ярим ой» жамияти шаҳар бўлимими кўллаб-куватлаш мақсадида биз биламизки, шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳар йили 10 кунлик хайрия акциялари ўтказилади. Бунинг ортидан кўплаб маблаглар ташкилот фондига йўналтирилади. «Маҳалла» хайрия жамоат фондига томонидан ҳам йилда иккича ишсиз бўлган «Наврӯз»,

фирибгарлар бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Айниска, ҳозир мамлакатимиздағи мураккаб вазият сабаб, саҳоват никоби остида соҳта хайрия пулларини ийғатланлар сўнглилаб топилишади.

Яқинда ҳамشاҳарларимиздан бирин гўёки, муҳтоҳ оиласларга, бемор болаларга ёрдам кўлларини чўзишдек «хайри» исха қўл уриб, ижтимоий тармоқларда ўз обуначилари қўмагида «клик» орқали доимий равишда пулларни ўзлаштириб, шахсий манбаатлари йўлида сарф этиб келган.

Яна бир кўриниш дўконларга ёки шархимиздаги супер маркетларига кирганингизда, эҳсон кутиларини, уларга савобталаған инсонлар томонидан хайриялар қилинаётганини кўришимиз мумкин. Хўш, бу каби ноҳонуний фаолиятларга кимлар масъул? Эҳсонлар ўз эгаларининг кўлларига этиб боришини кимлар таъминлаётганини ҳақли эътиорозлар сабаб бўяляти. Шу сабаб аввало, хайрия маблаглари йигилаётганини ҳақидаги ҳар бир хабарни текшириб, уларнинг расмий эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Муруват комиссияси бугун ҳам борми

Хорижда ўқиётган ҳамшаҳарларимиздан бирни, чет элда таҳсил олсангиз, сиздан албатта, «Қайси хайрия ташкилоти аъзосиниз?», «Қандай хайрия ишлари билан шугуланасиз?» каби саволлар билан мурожаат қилишади ва кўнгилли бўлиб бирор ташкилотларда ишашлаша давлат этишади, деган эди. Кўриб турганимиздек, бу эса, ўз-ўзидан хайр-эҳсон қилиш каби инсоний туйуларни сингдириши ёшлидан ривожлантириб боришига унайди.

Нима учун бугун хайрия ташкилотлари бу ахволга келиб қолди, нима учун чет эл хайрия ташкилотларининг бегараз кўмакларига муҳтоҷ бўлаяпмиз, дерсиз. Балки, биз ҳам кези келганда хориж тажрибасидан андоза олишимиз керакдир. Ёки юқорида қайд этиб ўтганимиздек, муруват комиссияларига эҳтиёж ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпми? Ёки маблаг یўқ, ҳокимлик ёрдам бермаяпти, дегувчилар учун сизда ташаббус یўқ, дегимиз келади. Аввало, жамоат ташкилотларида ахолига қулай пул ўтказиш шакллари («клик», «пайме» кабилар) мавжуд эмас. Шу билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишлари етарлича таъминланмаган.

Хулоса ўрнида ...

... хайрия тадбирлари мурракаб вазиятда инсонларни ўзаро яқин ва бирдам бўлишига сабаб бўлади, дейилади. Бу ижобий ҳолат. Бирор хайрия ихтиёрий тадбир эканини, уни ҳар бир кимса ўз иродаси ва шахсий ташаббусига кўра амалга ошириши лозимлигини, хайрия ҳақида нотурги мухошазалар эса одамлар ишончига пуртетказишини унумаслик керак.

Тўғри, шундай савобталаған инсонлар борки, улар учун эҳсон қилинган пуллар «хеч нима» эмасдир. Аммо, ўша миллионлар қанчалаб одамларнинг oddий эҳтиёжлари учун «кўзга суртиб ишладиган» маблаги бўлиши мумкин. Ёки кимнингдир ҳаётини сақлаб колишига ярайди. Шундай экан, ийкилганин суюмок, муҳтоҷга ёрдам бериш хисси асли ҳар кимнинг юрак-юрагида бўлиши керак.

Маргуба СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти.



Сироиддин Абдуллаев. — Биргина ойлик иш ҳақи бўйича қарздорлигимиз 32 млн.дан ошиб кетди. «Тинчлик» кўчаси 21-йда жойлашган идорамиз бугун жуда агор боровда. Солик ва икарадан қарздорликларимиз мавжуд, бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан кутилаётган ечим сўрек остида колмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил октябрда Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини кўллаб-куватлашга қаратилган, яъни шаҳар бюджетига ушбу жамиятларнинг кўшилишлари борасидаги қарор ҳамон амалда ўз исботини топгани йўқ. Бу борада жорий йилнинг январь ойида шаҳар молия бўлимига киритилган ойлик иш ҳақида ажратиши борасидаги тақлифлар очиқ қолди.

Ўзбекистон Ногирон ишбильармон аёллар миллӣ ассоциацияси Тошкент вилояти бўлинмаси раҳбари Шахноза Абдураҳмонова ҳам маблаглар масаласи оқсоқ томонимиз эканлигини, ишлар тұхтаб қолганлигини таъкидлаб ўтди.

Хуллас, юқорида номлари кептирилган хайрия ташкилотларининг аксариёти ҳақи тили билан айтганда, номи бору, ўзи йўқ қабилида иш тутишмоқда.

Нега хайрия маблаглари очикланмайди?

6 июн куни ижтимоий тармоқлардаги яъни нохолис манбаларда «Вақф» фондига тўла ўтказиш тартибига нисбатан гўёки, балки маҳсиллардан норозилик билдирилаётгани идда қилинган.

Хабарларда Рамазон ҳайити куни тушган хайр-эҳсон пулларини «Вақф» фондига тўла ўтказиш тартибига нисбатан гўёки, балки маҳсиллардан норозилик билдирилаётгани идда қилинган.

Бунга сабаб бор. «Вақф» фондига келиб тушган маблаглар статистикаси ўрганилганда хайрия маблаглари асосан турли тўлов тизимлари орқали амалга оширилаётганини, банк

Мустакиллик байрамлари ҳамда оммавий ўтказилган ҳашарлардан тушган маблаглар эвазига) таҳминан 200 млн. дан зиёд маблаглар ўзлаштирилади.

Нима учун маҳаллий оммавий ахборот воситалари бу борадаги маълумотлардан йироқ. Ахир маблагларнинг асосий ҳисми аслида холис инсонлардан эмас, балки давлат мусассалари иш ҳақларидан ушлаб қолиш эвазига ийнилайтику, дейишингиз мумкин.

Телеграмдаги хайрия рақамларига ишонса бўладими? Ёки «эҳсон» кутиларининг эгаси борми?

Ижтимоий тармоқлардаги турли соҳта хайрия гуруҳларига алданиб қолмаслик ҳақида оғоҳлантириб борилади. Бундай гуруҳларнинг кўпчилиги



Серкүёш юртимизда айни ёз палласи, серхиммат
куёшимиз нурларини ая-
май таратмоқда. Қүшнинг
нурларидан қочишига түгри
келиб, шляпа, тури бош
күйимлар, шарф, соябон каби
“химояловчилардан”дан фой-
даланяпсизми? Улар ёрда-
мida күйдирувчи қүёш нури
зараридан юзингизни бир-
мунча саклашингиз мумкин.
Аёлларимиз гўзллигининг
асоси бўлмиш юз парвариши
барча опа-сигилларимизни
қизиқтириши табий.

ҚҮШДАН САҚЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Мутахассис косметологларнинг айтисиша, қүёш нурлари терини вактидан олдин қартиб юборади. Шу билан бирга доғлар, оқ папиллома ўсимталари, ажин каби салбий холатлар пайдо бўлишининг сабабчиларидан бири ҳам айнан қүёш нурларидир. Ёзниң жазира мақаларидан терини қўшдан саклашнинг кўидаги асосий қоидаларига амал қилинса фойдадан холи бўлмайди:

Иложи борича қүёш тигида юрмаслик лозим. Соат 11:00 дан 16:00 га қадар кўчага чикмаслик тавсия этилади. Айнан шу вақт оралигига қүёш нурларининг организм ва терига энг салбий таъсири кўрсатадиган пайтидир.

Кўз атрофи терисини биринчи навбатда ҳимоя қилишимиз зарур. Чунки, кўз ости тери юз терисига нисбатан баробар нозикроқ бўлади. Ҳимоя сифатида ойнаси кўз атрофини бекита оладиган қўёшга қарши кўзойнек такиши ва кўз атрофи терисини намлатувчи

кремлар ёрдамида маззаж қилиб турган маъкул.

Хозир тог саёҳати ва шунга ўхаш сафарларга борувчилар, қўёш нурлари тушадиган жойларда, ҳусусан пляждада, бош кийим ҳақида унумаслик керак. Биринчидан, соябонлари катта енгил бош кийими организмни иссик уришидан сақлайди, иккинчидан, юз теришига қўшимча ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Қўёш нурларидан сақланиш во-
ситаларидан яна бири - соябондир (зонтик). Ҳозирги кунда сотувда айнан қўшнинг ултрафиолет нурларидан ҳимоя қўлини маҳсус соябонлар мав-
жууд.

Энг мухим тавсия ёз кунларидан алтабта қўёшга қарши кремни суриб кўчага чиқиш керак. Қўёшга қарши крем УВА ва УВБ нурларига қарши бўлиши лозим (крем идишида бу ҳақда маъ-
лумот бўлади). Бундай кремлар ҳимоя қилиши қобилиятига қараб СПФ 15 дан СПФ 50-80 гача бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич қанчалик юкори бўлса, кремнинг ҳимоя қилиши қобилиятига шунч-
ча баланд ҳисоблалани. Бу мавсумда юзингизни қўёш нурига тутиб бериб, қорайиш ниятингиз бўлмаса, пардоз столингиздан, албатта, бу турдаги кремларга ўрин ажратишингиз керак бўлади. Тез зарарла-
надиган яноқ ва бўйин соҳасига кўпроқ суринши-
ни унунтманг.

ЮЗ ТЕРИСИ УЧУН ФОЙДА- ЛИ НИ҆КОБЛАР

Сабзавот ва ме-
валардан тайёрланган
ни҆коблар – юз терисини
гўзл ва ёш сақлашда
энг фойдали воситадир.
Турли ни҆кобларнинг фой-



далилил ҳусусиятлари
бир хил эмас. Узум,
кабачки, бодринг ва
баклажон юзни яхши
намлантиради,
лимон, кулупнай
оқартиради ва
озиқлантиради.
Сабзили никоб тош-
маларга ёрдам берса,
малина, смородина,
олча шифоли таъсири
этуб, ўркя яллигланиши
олдини олиб, шафтоти эса тин-
члантирувчи ҳусусиятга эга.

Кўйида бир нечта қийин бўлмаган
ни҆кобларнинг тайёрлаш усуллари: На-
млантирувчи ўрикли никоб: Ўриклидан
унинг шарбатини сикиб чиқаринг. Кейин
1:1 нисбатда шарбатни сут билан ара-
лаштиринг. Докани шарбатга намланти-
ринг ва юзингизга 15 дақиқага устидан
ман сочиқ билан ёлиб кўйинг. Бу
никоб юз терисига соглом
кўриниш бериб, яхшигина
тинчлантиради ва на-
млантиради.

Смородинали
никоб: Қора смороди-
на сувини сикиб, унга
буғдој ёки жўхори
уни қўшинг. Сметана
ҳолатигача ара-
лаштиринг. Ни҆коблни
юзингизга 15 дақиқага
сурниб кўйинг. Сморо-
динали никоб ҳар қандай
юз терисини юмшатади ва
озиклантиради.

Ёлини юз териси учун олмали никоб:
битта олмани пўсти ва донакларидан
тозалан. Сўнг қирғичдан ўтказиб, тухум
оқи билан аралаштиринг. Ни҆коблни юзингиз
ва бўйнингизга 15 дақиқага суртиб
кўйинг. Ни҆кобл терини озиқлантиради,
юмшатади ва тозалайди.

Петрушка қўкати тетиклаш-
тиради. Бир боғ петруш-
ка қўкатини майдалаб
устидан кўмгунича
қайнаб турган сув
кўйлади. Ярим соат тиндирилган
дамлама сузиги олинади ва юз
чайилади. Бундай дамлама
учун қуритилган,
барра ёки музлатилган
қўкатдан фойдаланилса ҳам
бўлади.

Бодринг



оқартиради. Бодрингни майда қилиб
тўйгайсиз (киргичдан ўтказсангиз ҳам
бўлади) ва унга ўзингиз фойдаланади-
ган озиқлантирувчи юз кремингиздан
оғизиң кўшасиз. Агар юз терингиз ёлиб
бўлса, бодрингни сувини сикиб олиб,
тeng микдорда спирт қўшасиз ва бир
кечга кундузга тиндириб кўясиз. Ундан
сўнг ушбу масса билан юзингизни (дока
ёрдамида) компресс қипсангиз бўлади.
Муолажа вақти: 20 дақиқа.

Сметана озиқлантиради. 300 мл
сметанага бир қисм майдалаб тўргалган
петрушкани аралаштирасиз ва юзингиз-
га бир текисда суртиз. Агар юз терингиз
куруқ бўлса, тенг микдорда сметана
ва лимон аралаштирасиз. Муолажа
вақти: 15 дақиқа. Сўнг пахтали диск
ёки оддий тибий пахтани илик сувда
намлаб, юзингизни артасиз.

Нормал турдаги юзларга. Ўртача кат-
талидаги турнин қирғичдан ўтказасиз
(тахминан 4 чой қошиқ чиқиши керак)
ва унга иккичу томчи зайдун ёки ара-
лаштирасиз. Тайёр массаси юзингизга
сурниб, 20 дақиқадан сўнг илик сувда
ювиб ташлайсиз.

ТЕРИНИ НАМЛАНТИРИШ

Кўпроқ сув ичинг! Бу
нафакат чанғонгизни
босишишингизга, балки
юз терингизда на-
милк мёрининг
сақланиши учун
жуда мухим! Ёзда
организм бошқа
мавсумларга
карагандага суюклика
кўпроқ мухтож
бўлади. Кунига 2 лит-
ргача газланмаган сувни
ичиш керак, агарда ҳорарот

30 градус дараҷадан юзори
бўлса, унда сув ҳажмини 3 литргача
кўпайтириш мумкин. Бироқ, терини
намлантириш учун факат сувнинг ўзи
етарли эмас. Намлантирувчи воси-
талар, лосёнлар ва термал сув ёзда
тери учун айни муддоҳ. Ёзда терини
сини минерал сув, кўк чой ёки доривор
ўтлардан тайёрланган муз бўлакчалари
билин намлантириш жуда фойдали.

ТЎГРИ ОВҚАТЛАНИШ

Ёзда парҳезли таомларни истеъмол
килиши терининг нормал мувозанатини
сақлашда жуда фойдалидир. Эрталаб
сули ёрмали бўтқаларга ўсимлиги
ва бодом ёғини кўшиб тайёрлаш ҳам
фойдалидир.

Мұхтарам аёллар, гўзллил қурбонлик
курбонлик талаб қилиши кўп
бора тақорлаймиз, шундай экан
гўзллигимизни ўз кўлумизда, уни
қўёш нурларидан ҳимоялашга шоши-
лашпик!

ФОЙДАЛИ НИ҆КОБЛАР

Сметана ва лимон суви. 2 ош
қошиқ сметанага 6-8 томчи лимон
суви ва 1 чой қошиқ зайдун ёғини
аралаштиринг. Ҳосил бўлган ара-
лашманни лабга суртиб, 10 дақиқага
қолдирасиз.

Сабзи ва зайдун ёғи. Битта сабзини
киргичдан ўтказиб, шарбатини ажратиб
олинг. 2-4 томчи зайдун ёғини кўшинг.
Сабзи шарбати лабдаги ўриқларни
битказади.

Товорог сметана ва асад. Тенг
микдорда сметана ва творогни ара-
лаштиринг. Озроқ асал қўшинг ва ара-
лашманни лабларга куюқ қилиб суртинг.

Қатик 2-3 ош қошиқ қатини
илитинг-да, лабларга суртиб қўйинг.
Қатик терини юмшатади.

Олма ва сарииёт. Ярим бўлак
олмани қирғичнинг майдай тишидан
ўтказинг. Ярим чой қошиқ сарииёт
кўшинг. Ни҆кобл лабларга суртилиб, 10
дақиқага қолдирасиз.

Лабларга асал суртиб қўйиш доим
ҳам фойда килавермайди. Агар терини
таъсиричан турга мансуб бўлса, ла-
блар қизариши, ачишиши мумкин.

Интернет мълумотлари
асосида Васила тайёрлади

ЁРИЛГАН ЛАБЛАР ЧОРASI

Ёрилган лаблар лобар аёл-
паримизни ноxуш қилиш билан
бирга гўзллигиларига ҳам путур
етказади. Косметик муммаларга
қўшимча равишда бу ҳолат оғрик
ҳам чақиради. Ҳатто кичик жароҳат
ҳам яллигланиш ва дискомфорта
олиб келиши мумкин. Ҳар дардга
даво бор деганларидек, бу кичик
жароҳатнинг ҳам ўз давоси бор,
кўйида даво чоралари билан тани-
шамиш.

Лаб ёрилишини даволашда
жароҳатларнинг тузалишини тезлаш-
тиришга, лабларнинг нозик терисини

Йүл-йўлакай ўйлаб, хаёлимни қалгитишига тоқатим етмаяпти. Қанотим бўлса-ю учиб кетсам. Шундоқ осмонга кўтаришсан. Бир-пасда тоғ этагидаги уйимизга этиб борсан...

Кўнгироқ хаёлимни остин-устун қилиб юборди. Фақат улгуриш хаёлида эдим. Машина жилиши билан ҳайдовчидан тезроқ оршишини ўтиндим. Чархи кажрафтор ҳамиша жим кетадиган ийтловчиликнинг бугун кайфияти чоғ. Балки танишлардир. Ашулага жўр бўлишади. Ҳолим фақат ўзимга, бир Худога аён. Шоир айтганидек: "Ийнлаб баҳтиларнинг жонига текким" келмади.

Ташқарини жимгина кузатиб кетаётгандим, қўшик кулогимга чалинди:

**Момолар ҳикмати, сўзи бор жойда,
Менинг айтганларим бариси майдай...**

Пичирлаб тақорлайман. Топиб айтилибди. Энамнинг ҳам сўзи ҳикмат, қадами ибрат эди. Охирги кўрганимда оғрикнинг зўридан гужанак бўлиб қоларди. Бир оз ўзига келганидан кейин: "Берган дарнингга ҳам шукр" деб кўярди. Шифокор оғрик қолдириш учун спирт ичишини тавсия қилид. Азобда ўтирган энам: "Нечакунтик умрим қолди, тозагина кетайин" деб унамади.

Кирк кечакундуз ўтиби. Ўшанда маҳкам кучиб бор меҳримни изҳор қилмаймани! Тўйиб олмаймани? Амаларимдан тортиндими? Берган пулларини олиши уялмадим-ку...

Хеч нарса емас қўйганига бир ҳафтадан ошганди. Лаблари куруқшаса сув томизишарди. Ҳоли келса гап бериб ётарди. Таъзия хабарини эшишта, шу кўйда ётганида қанчалаб соглом одамлар уднега риҳлат қилганини санар, касал тўрда — соғ гўрда, деб кўярди. Ўзидан олдин уларнинг ўтиб қолганига хижолат бўлгандек.

Бир жойда саргайиб кетган буғдоизор тезор یигиштириб олинишини кутаркан. Иккинчи томонда хали яшиллиги кетмаган бошоқлар ўриб олинаркан. Дуне шунга ўхшайди. Бирор ўлимни кутади — яшайди, бошқаси яшашни истайди — имкон йўқ. Дунёнинг та-мал тоши бошидан тескари кўйилган, чоги. Энамнинг ривоят ва ҳикоятларини, тарихимиз ҳақидаги мъалумотларни китоблардан топа олмаганим.

Бир ҳафталик таътилдан сўнг ўқишига отландим. Хайрлашишига кирсан:

— Мана буни ол, — деди сенкинига.

— Кўйинг, эна, пулим бор...

— Менини табаррук олавер, болам.

— Эна, ишга кирганимни



айтдим-ку. Энди ўқиб, ҳам ишляпман, — дейман.

Аммам аралашади:

— Қўлни қайтарма...

Энам узундан-узок дуо қилди. Қўлларига сув куярканим: "Бу кунларни айтиб юрасан, ўқишига давлат ўқитадиганига кириб кетасан", дерди. Диуонинг қуввати янга қишлоққа қайтуганимча ётарди. Энди-чи...

Ўша дуо энг сўнгиси эканини қарден билай! Ҳаёлимни жамлаб, ҳайдовчига машинани тезроқ ҳайдашни ишора қиламан. Бобо-момолардан сабр-тоқатни, меҳр-оқибатни қанча ўрганса оз. Фақат улгуриш ҳақида ўйлаётган йўқса, йўлда шушириш яхши эмас. Эх, бу йўллар, йўллар. Бизни қаेरларга олиб бораракан.

Ношуқрлик одамни қандай кўчаларга олиб кирмайди. Отабоболаримиз уруш маҳаллари бир бурда нонга зор бўлган. Кўклам келса, қирларга чикиб ризик кидирган. Юрт озодлиги учун бор-будини тикиб, машаққат тортишган. Энам (раҳматли дейиши эриши туоларкан) қотган нонни чойга ботириб, деб ўтиракан:

— Қани энди, тандир сомса бўлса, одамнинг кўнгли бъазан кабоб тураб қолади, — дерди гоҳида. Яна галидан хижолат бўларди. — Ўглим, бу ҳам бир гап-да, етказганига шукр. Энг давру даврон суроётган пайтим ҳозир.

На келинларини, на ўғилларини койимади. Фақат ичклини кўрса:

— Ҳа, питимингга шамол, — деб кўярди.

Энам билан бир хонада ухлардид. Амакимни ўйгота-ўйгота хонасига чиқариб юборганича алламаҳал бўларди. Кейин қандай ўйим бўлса ай-



Қўшни хонада дарс тайёрлаб ўтирадим. "Тўк-тўк..." этган товуш эшитилса, югуриб чиқардим. Энам ҳассага таяниб, ташқариләётган бўларди. Қўлидан ушлаб, кўлтиғидан тутаман. Тоза ҳавога чиқиши фақат шу. Бора-бора бунга ҳам кийналадиган бўлди. Ихраб-инграб ётарди. Тез-тез бориб деразадан кулоқ солиб келардим.

Борам, жойингни алмаштириб ёт...

Энамнинг овозидан ўзимга

кељаман. Ҳайрият. Ҳаммаси ортда қолганига шукр қилиб,

тӯшагимни қайтадан соламан. Бошимни бошқа томонга кўяман. Осоишта ором оламан.

Ич-ичимдан энамнинг билағонлигига тасасон айтиб, гуруланиб ётаман. Гоҳ-гоҳида

"пuff, puff... "лаб, уйугура кетадиган энамнинг ўзи ҳам

мўралайман. Мен учун мукаддас ошиён омборхонага айланган.

Чириётган пиёздан тортиб, ишлатилиши даргум бўлганд супургиларгача шу

ерда. Беғубор болалигимнинг файзли дамлари ўтган хонадан энамнинг инграган овози эшитилганда тутади. Яна

боалинка қайтандек, момолар хикматидан ибрат олган

дек бўлмади. Қўзимга ўшим, бўғзимга овозим тиқилиб, у

ердан узоқлашман. Бизни бояглаб турган мўкаддас риши

мустаҳкамлани бораверади.

гим ҳапқириб, югуриб кетгим келади...

Бир кечакунам ётиш олди. Дан сандик туширтириди. Каттакичи түгунчалар, унишиб кетган қоғозлар, эски-туски ашёлар тагидан қоғозга ўроғлик нарса олди.

— Буни ўзимдан ўзим ўғирладим. Яшириб кўй, кўша олсанг, кўш. Яхши кунингга ишлатасан.

— Нима қиласман буни. Ўзингиз ишлатинг.

— Менини табаррук, неча кунлик умрим бор. Олиб кўяр, ҳали айта-айта юрасан.

Нимтабассум балқиб турган юзларига қараб, ихтиёсрис оламан.

Ўша туну тонгча ором ополмайман, ўлиб қолса нима қиласман? Васият қилганда тутади. Бу ҳақда ҳеч кимга индамадим. Баъзида келинларинг "канча ишим қолиб кетди" деб минирларгини эшитиб ранжирдим.

— Бир умр шундай юрмайсизлар-ку, қадрига этиб қолинглар, — дегим келарди. Тилимни тиярдим. Ҳудди сирни очиб кўйсам, энам дабдурустдан ўлиб қоладигандек. "Дуои фотиҳадан қисмнинглар" деб кўп тайинларди.

Қўзимга ўшим, бўғзимга овозим тиқилиб, уйга кириб бордим. Иғлай десам товушимни чиқмасди. Ўша қадрондек ҳонага қараб отилдим. Чигурлашиб ўтирган хотин-халаж жим булиб қолди. Ўзимни ўнглаб олгунчи қаброшибига кетганлар қайтиб кела бошлади. Яна ҳовлини уввос юғи овози тутди...

Бу воқеанинг содир бўлганига йигирма йил бўлаяпти. Энам хотираидан тирик қолди. Ҳозир ҳам ўша қадрондек дера заннинг олдидан ўтаётсам, чиркай қоллаган ойналар орасидан ичкарига мўралайман. Мен учун мукаддас ошиён омборхонага айланган. Чириётган пиёздан тортиб, ишлатилиши даргум бўлганд супургиларгача шу

ерда. Беғубор болалигимнинг

файзли дамлари ўтган хонадан энамнинг инграган овози

эшитилганда тутади. Яна

боалинка қайтандек, момолар хикматидан ибрат олган

дек бўлмади. Қўзимга ўшим, бўғзимга овозим тиқилиб, у

ердан узоқлашман. Бизни бояглаб турган мўкаддас риши

мустаҳкамлани бораверади.

Азиз НОРКУЛОВ.

ЭЪЛОН

09 марта 2020 йилда Ўрозметова Феруза Давлат қизи но-мига давлат рақами "01 Е 955 VA" бўлган "SPARK" автома-шинасига "Ўзбекинвест" компанияси томонидан берилган UIL серияси, № 0292330 рақамли сугурта полиси ўйқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

31 август 2019 йилда Тошкент шахар Сергели туманинаги 8-сон давлат нотариал идорасида Ўрозметова Феруза Давлат қизи ва Тошкулова Мухайё Улуғбоева ўртасида тузилган Ash №1202157 TN рақамли автомобиль олди-содди шартномаси ўйқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

Фуқаро Ўрозметова Феруза Давлат қизига тегишли давлат рақами "01 Е 955 VA" бўлган "SPARK" автомашинасининг AAC № 6767267 серияли транспорт воситасини қайд этиши гувохномаси ўйқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

1-Тошкент педагогика коллежидан 2013 йил Умарова Нигора Кудратулла қизига берилган К № 3155696 серияли диплом ўйқолганилиги сабабли БЕКОР қилинади.

BOY-BADAVLAT QOROVUL



Хизмат сафари баҳонасида ҳар бир худуд одамларининг характер хисусияти, феъл-атвотири, қизиқиши ва орзулари, ўтмиш тарихи ҳақида маълумотга эга бўламан. Бу эса янги фикрлар, ишда янги яゴял тугилишига туртки бўлади.

Қоракўлликлар танти, мард, ботир, чапни ҳалқ, Асосийси, бир сўзли, қатъияти ва меҳнатсевар. Буни дунёни забт этаётган қоракўла ўқитти модули ҳам исботлайди. Энди ҳамма жойда ҳам ёшёкмас, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб тургувчилар, ҳаётдан нолийдиган кимсалар учра туради. Союда Бухорога кетадиган таксиларни кутиб турибиз. Яна бир одам келса ҳайдаймиз, деди ҳайдовни мизони қўлдан чиқармаслик учун. Энди улар ҳам тириклик учун ҳаракатдаги инсонларда.

— Ҳавони қаран-га, куйдиради-я, авваллари бунақа иссиқ бўлмасди, — деди чехрасида норозилик зохир ўрта ўшпардада эрек.

— Россиянинг совуклари га ўрганган кишига кийин-да, — ҳавонинг иссиқлигидан нолиётган одамга кинояли жавоб қайтарди иккинчи киши. Суҳбатлари маъносидан бир-бирларини танишилигни сезилиб турарди.

Такси тўлиб қолиб йўлга тушдик.

Ношуқлрик қилиб галириб ўтирган одам таксиға минмайди. Ҳайдови билан йўл ҳақини келиша олмади. Узоқ тортишувлардан сўнг З киши билан йўлга

чиққанимизнинг боиси шу.

— Ношуқлрик ҳам эви билан-да. Мана шу одам тўрт ҳовли нарида туради. Ўн йилдан бери Россияга қатнайди. Бири икки бўлмади, опа, — олд ўриндиқида ўтирган киши сал ёнбошлаб орқага қараб гап қотди. — Томорқа ўлда-жўлда, бола-чақанинг тарбияси аро йўлда. Бечора хотини қийналшиб кетди. Эри Россиядан келди, дегунча уй гурбатхона. Ҳали кўшини араплашади, ҳали маҳалла. Оғайниларининг юзи қолмади. Шунча кетиб 1000 АҚШ доллари ишлаб келганим. Буни галиришини қаранг.

Россия ундай, Россия бундай... Ўзбекистон ҳеч ўзгармади, ўзгармади — деди ҳар иккни галининг бирида. — Россияда пул экиб кўйибдими, мана ахволингиз ўн йилдан бери нима ортиридингиз? — дедим. Гапларим қаттиқ тегди шекилли энди омадсизлиги учун айни хотинига тўкай бошлади. "Хотиним сарыштакор эмас, маҳалладан ёрдам пулни сўраб шуним ўздалай олмабди", — деди қийшанглаб.

— Маҳаллямая ижтимоий ҳимояга ҳақиқатда муҳтоҳ кишига ёрдам берадида, — дедим сұхбатга кўшилишига ҳаракат килиб.

— Шунча шароит, шунча имконият яратиб бериб ўтириби давлатимиз, — гапга чечан ҳамроҳимиз куюниб гап бошлади. — Тадбиркорлик қиласанми, мана

кредит, фермерликни хоҳлайсанми — мана ер? Томорқамиздан оладиган хосилни ўзимиз бозорга чиқариб сотамиз. Айвонимни тагида 4 бос қорамол, 1 бос сигир кўйлар... Намозшомда ишдан қайтаман. Рўзгор, деб ҳалол меҳнат қилишнинг гашти бўлакча. Хусусан, даромаднинг чўги баланд бўлганда янада яйраб кетаман, опа, — қизишиб сұхбат қилаёттан кишини қузатаман. Албатта топганинг ҳалол бўлса бирордан муттаҳамлик жойинг йўқ. Ҳамма шароит етарли. Тўкин яшаш кимга ёқмайди.

— Болаларимни меҳнатдан қайтмайдиган қилиб тарбияладик. Қизим 9-синфда аъло баҳорларга ўйиди. Қишлоғимиздаги фермернинг 2 гектар ерига оиласвий қараймиз. Чигит ерга тушгандан хосилни йигиб олиб шудгарга тайёрларнинг қадар бўш вақт бўлди дегунча далаға чомамиз. Ягана, ўташ, чеканка, ғўза ораларига ишлов бериш, паҳта ҳосилини йигиб олиш, якунида гўзапояни ҳам бағрикен фермер ўзимизга бериб кўйган.

— Бирор жойда ишлайсизми?, — деди ман сұхбатдошимининг ҳаёт ҳақиқатига қарашибарни тинглаб.

— Мактабда коровулман. Гулзорларга қарайман. Бугунги ёшларга қараб ҳавасим келади. Қанийди қайта ёш бўлиб қолсан, дейман. Билим, меҳнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. Ўғлим олий ўкув юртида қўйди. Бундай

карасангиз мендан бой одам йўқ, — дейди фахрланиб.

Аслида ҳам шундай. Моддий бойлиги кўланкасида фарзандлари тарбиясига ўзтиборсиз бўлган миллионер қўшинимнинг ўли кўз олдимга келади. Қатор турган автомобиллар, ҳашаматли қасрдек ҳовли, янганинг хизматкорларга муомаласини кўрсангиз, қизнинг тантликлиги-ю кийиниши хорижликларга тақлидий ҳаёт... Аммо у хонадонда фрайз йўқ... Кунорда ота-ўғилнинг овозлари кўчада, келин 2 фарзанди билан ота-онасини кетиб қолгач, бир ой ўтмай бошқа қизга ўйлантириб қўйиши. Янги келининг онаси вафот этгач, бутунлук куяланиб қолган келинчакнинг нигоҳларида фақат баҳтисизликни кўриш мумкин.

Албатта, бу оила билан қоракўллик коровул ака оиласини таққосласангиз Қоровул бой — бадавлат-да. Чунки унинг кексалиги хотиржам, фарзандлари юрга фойда келтирадиган, ота-онасини қадрлайдиган комил инсонлар бўлиб улгайишади. Кунгирадор ҳовли жой, бугун гижинглаган тойдек тизилиб турган машинани бой кўшни ва аёли қариганида кунига ярамикан... Бетайин ўғил ота-онаси ҳурматни жойига қўйиб, қадрлайдими? Бунисига кафолат йўқ.

**Моҳира ШАКАРОВА,
журналист.**

Зумраднинг товланиши кўзни равшанлаштиради, ақрни ҷархлаиди. Агар кимки ёнида зумрад олиб юрса, у зерикиш ва ўйкисизлик нималигини билмайди. Безовта қылувчи тушлардан холос бўлади. Зумрад нопокликини ёқтиримас экан. Унга заррacha хиёнат қилинса ўз-ўзидан ёрилиб кетаркан.

Марварид — инсонга осойиштади, узоқ умр ва баҳт келтиради. Кўнгли марвариднинг ялтираши марварид соҳибнинг қайфияти ва соғлиғига

боглиқ бўлади.

Олмос — жасурлик ва мардлиг белгиси хисобланаби, касаллик ва омадсизлик устидан

галаба келтиради. Олмос ўз кучига ишонтирувчи ҳамда умидворлик белгиси. Шарқ алломаларининг ёзишича, ҳомиладор аёл кўлига олмос кўзли узук тақса, у бола тугаётганда қийналмас эмиш.

Сапфир — кўнгилга ором бериб ҳуш қайфият багишилади. Қадимда сапфир денгизчилар тоши хисобланган. Денгизчилар ушбу тоши ҳар хил оғатлардан сақлайди деб қаттиқ ишонишган.

Лаъл — жўшқин ва эҳтиросли муҳаббат рамзиdir. Айтишларича, шарқда кимки бўйнига лаълдан

ASL TOSHLAR SIRI

узун маржон тақиб юрса, у улғ инсон хисобланаби алоҳида ҳурматга сазовор бўлар экан. Лаъл оқаётган қонин тўхтатиш хисусиятига эга. Шунингдек, у ҳавони тозалаб инсонни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қиласади.

Қаҳрабо — ёш болаларга кувват багишилаб, уларни бегона кўзлардан асрайди. Айтишларича, кимки қаҳрабони ёстиқ остига кўйиб ухласа, тинчгина ором оларкан. Алломаларнинг таъкидлашича, қаҳрабо бадандаги заҳиллик, юрак ўйнаши ва


бошқа касалликлардан ҳалос бўлишига ёрдам беради.

Сердолик — сердолик кўзли узук тақиб юрган киши камбагалликдан ҳалос бўлади, кимки шундай узук тақса унинг кўнгли хотиржам бўлади.

Нилий рангдаги сердолик кўзли узук тақса унинг тез тўхтатади.

Топаз — инсонни кўркув хисисдан ҳалос этади. У эркакларни жасурликка унчайди, аёлларга эса ҳомиладорлик пайтида ёрдам беради. Топаз олиб юрган денгизчилар бало оғатлардан омон қолишиларига ишонишган.

БАРНО тайёрлади.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва онларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оиласларни кўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва "Соғлом авлод учун" ҳалқаро ҳайрия фондига

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-йул.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 736. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1454. Баҳоси келишилгланарни.

Босиша топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи:
Мусаҳиҳ:
Сайдалимов:
Саҳифаловчи:
А. Маликов

Газета таҳририят компъютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609

177010476007

123456

BOY-BADAVLAT QOROVUL



Хизмат сафари баҳонасида ҳар бир ҳудуд одамларининг характер хусусияти, феъл-автори, қизиқиши ва оруслари, ўтмиш тарихи ҳақида маълумотта эга бўламан. Бу эса янги фикрлар, ишда янги гоялар туғилишига турткى бўлади.

Коракўпликлар танти, мард, ботир, чапни ҳалқ Асосийи, бир сўзли, қатъиятила ва меҳнатсевар. Буни дунёни забт этатиган қоракўпчалик ўқитиш модули ҳам исботлайди. Энди ҳамма жойда ҳам ишёқмас, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб тургувчилар, ҳаётдан нолидиган кимсалар учраб туради. Соядя Бухорага кетадиган таксиларни кутиб турибмиз. Яна бир одам келса ҳайдаймиз, деди ҳайдовчи мижозни кўлдан чиқармаслик учун. Энди улар ҳам тириклини учун ҳаракатдаги инсонларда.

Ҳавони қаран-га, кўйидиради-я, аввалиари бунақ иссик бўлмасди, – деди чехрасидан норозилинг зохир ўрта ўшлардаги эрек.

Россиянинг совуқларига ўрганган кишига қийин-да, – ҳавонинг иссиқлигидан нолиётган одамга кинояли жавоб қайтарди иккинчи киши. Суҳбатлари мәнносидан бир-бирларини танишлиги сезилиб турарди.

Такси тўлиб қолиб йўлга тушдик.

Ношукурлик қилиб гапириб ўтирган одам таксига минмади. Ҳайдовчи билан ўй ҳақини келиша олмади. Узоқ тортишувлардан сўнг 3 киши билан йўлга

Зумраднинг товланиши кўзни равшанлаширида, ақлни ҷархлайди. Агар қимки ёнида зумрад олиб юрса, у зерикини ва ўйкисиги нималигини билмайди. Безовта қиуучи тушлардан ҳолос бўлади. Зумрад нополукни ёқтиримас экан. Унга заррача хиёнат қилинса ўз-ўзидан ёрилиб кетаркан.

Марварид – инсонга осоишиштакли, узоқ умр ва бахт кеттиради. Кўлдаги марвариднинг ялтираши марварид соҳибининг кайфияти ва соғлиғига боғлиқ бўлади.

Олмос – жасурлик ва мардлик белгиси хисобланниб, қасаллик ва омадсизлик устидан

Ola va jamiat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Оубна индекси – 176

«Шарқ» нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йул

чиққанимизнинг боиси шу.

– Ношукурлик ҳам эви билан-да. Мана шу одам тўрт ҳовли нарида туради. Ўн йилдан бери Россияга катнаиди. Бири икки бўлмади, опа, – олд ўриндиқда ўтирган киши сал ёнбошлаб орқага қараб гап қотди. – Томорқа ўлда-ўлда, бола-чақанинг тарбияси аро йўлда. Бечора хотини қийналиб кетди. Эри Россиядан келди, дегунча уйи ғурбатхона. Ҳали қўшини араплашади, ҳали маҳалла. Оғайниларининг юзи қолмади. Шунча кетиб 1000 АҚШ доллари ишлаб келганиши. Буни гапиришини қаранг:

Россия ундан, Россия бундай... Ўзбекистон ҳеч ўзгармади, ўзгармади – деди ҳар икки гапининг бирда. – Россияда пул экиб қўйибдими, мана аҳволиниз ўйидан бери нима ортиридингиз? – дедим. Гапларим қаттиқ тегди шекилли энди омадсизлиги учун айни хотинига тўнкай бошлади. Хотиним сариштак эмас, махалладан ёрдам пули сўраб шунимиз уddалай олмади!, – деди қийшанглаб.

– Маҳалляям ижтимоий ҳимояга ҳақиқатда муҳтоҳ кишига ёрдам берадида, – дедим сухбатга қўшилиша ҳаракат қилиб.

– Шунча шароит, шунча имконияти яратиб бериб ўтириби давлатимиз, – гапга чечан ҳамроҳимиз куюниб гап бошлади. – Тадбиркорлик қиласанми, мана

кредит, фермерликни хоҳлайсанми – мана ер?! Томорқамиздан оладиган ҳосилни ўзимиз бозорга чикарib сотамиз. Айвонимни тагида 4 бос қорамол, 1 бос сигир қўйлар... Намозшомда ишдан қайтаман. Рўзгор, деб ҳалол меҳнат қилишининг гашти бўлакча. Хусусан, даромаднинг чўги баланд бўлганда янада яйраб кетаман, опа, – қизишиб сұхбат қилаётган кишини кузатаман. Албатта топганинг ҳалол бўлса бирордан муттаҳамлик жойинг йўқ. Ҳамма шароит етарди. Тўкин яшаш кимга ёкмайди.

– Болаларимни мекнатдан қайтмайдиган қилиб тарбияладик. Қизим 9-синфда аъло баҳоларга ўқиди. Қишлоғимиздаги фермернинг 2 гектар ерига оилавий қараймиз. Чигит ерга тушандан ҳосилни йигиб олиб шудгорга тайёрлагунга қадар бўш вақт бўлди дегунча далага чопамиз. Ягана, ўташ, чеканка, гўза ораларига ишлов бериш, панта ҳосилини йигиб олиш, якунидага гўзапояни ҳам бағрикенг фермер ўзимизга бериб қўйган.

– Бирор жойда ишпайизми?, – дейман сухбатдошимнинг ҳаёт ҳақидаги қарашларини тинглаб.

– Мактабда коровулман. Гулзорларга ҳаракайман. Бугунги ёшларга қараб ҳавасим келади. Қаниди қайта ўш бўлиб қолсам, дейман. Билим, меҳнат билан ҳамма нарсага эриша бўлади. Ўглим олий ўкув юртида ўқиди. Бундай

башсангиз мендан бой одам йўқ, – дейди фахрланиб.

Аслида ҳам шундай. Моддий бойлиги кўланкасида фарзандлари тарбиясига ўзигорсиз бўлган миллионер қўшнимнинг ўғли кўз олдимига келади. Қатор турган автомобиллар, ҳашаматли қасрдек ҳовли, янганинг хизматкорларга муомаласини кўрсангиз, қизнинг тантликлиги-ю кийиниши хорижилкларга тақлидий ҳаёт... Аммо у хонадонда файз йўқ... Кунорга ота-ўгилнинг овозлари кўчада, келин 2 фарзанди билан отонасинига кетиб қолганд, бир ой ўтмай бошқа қизга уйлантириб қўйиши. Янги кепиннинг онаси вафот этач, бутунлай кўлга айланниб қолган келинчакнинг нигоҳларида фақат баҳтисизликни кўриш мумкин.

Албатта, бу оила билан қоракўплик коровул ака силасини таққосласангиз Коровул бой – бадавлат-да. Чунки унинг кексалиги хотиржам, фарзандлари юрга фойда келтирадиган, ота-онасини қадрлайдиган комил инсонлар бўлиб улгайшиди. Кунгирадор ҳовли жой, бугун гижинглаган тойдек тизилиб турган машиналар бой кўшини ва аёли қариганида кунига ярармикан?... Бетайн ўғли ота-онаси хурматини жойига кўйиб, қадрлайдими? Бунисига кафолат йўқ.

Моҳира ШАКАРОВА,
журналист.

ASL TOSHLAR SIRI

галаба кеттиради. Олмос ўз кучига ишонтируви ҳамда умидворлик белгиси. Шарқ алломаларининг ёзишича, ҳомиладор аёл қўлига олмос қўзли узук тақса, у бола тугаётганда қўйналмас эмиши.

Сапфир – кўнгилга ором бериб ҳуш кайфият бағишилади. Қадимда сапфир денигизчilar тоши ҳисобланган. Денигизчilar ушбу тошини ҳар хил оғатлардан саклайди деб қаттиқ ишонишган.

Лаъл – жўшқин ва эҳтиросли муҳаббат рамзиидир. Айтишларича, шарқда кимки бўйнига лаълдан

башқа қасалликлардан ҳалос бўлишига ёрдам беради.

Сердолик – сердолик қўзли узук тақиб юрган киши камбағалликдан ҳалос бўлади, кимки шундай узук тақса унинг кўнгли хотиржам бўлади.

Нилий рангдаги сердолик қўзли узук қонни тез тўхтатди.

Топаз – инсонни кўркув ҳиссисидан

халос этиди. У эрқакларни жасурликка ундаиди, аёлларга эса ҳомиладорлик пайтида ёрдам беради. Топаз олиб юрган денигизчilar бало оғатлардан омон қолишиларига ишонишган.

БАРНО тайёрлади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи кўллаб-куватлаш вазирияги, “Болалар ва оиласаларни кўллаб-куватлаш” ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва “Соглом авлод учун” ҳалқаро ҳайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

Босиша топшириш вақти

Навбатчи:

Мусахих:

Саҳифалом:

Газета таҳририят компъютер марказида

терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йул

№ 19
(1471)
1-iyul
2020-yil

15:00 Топшириди – 15:00

Б. И smoilov
С. Сайдалимов
А. Маликов

ISSN 2010-76009

123 456

oila-vajamiat@mail.ru